# ЭЗГУЛИКНИНГ ЭЪЗОЗИ







Хотира уйғонсагина гўзал, деган гап давраларда кўп айланади. Дарҳақиқат шундай. Бу дунёда тирик жон борки, бир кунмас бир кун фано оламини тарк этади. Шарқ ривоятларига кўра, ўша чоғдаёқ инсоннинг фаришталар ёзиб турган аъмол дафтари ёпиларкан. Эндиги битиклар келгуси наслларнинг эслаб, ёдга олишига боғлиқ бўлар экан. Ана шунинг учун ҳам бирор дарахт ўтказиб, боғ-роғ яратган ё қудуқ қазиган ёки бўлмаса кишиларни оғир дарддан халос этган, фойдали китоблар ёзиб қолдирган, хуллас, эзгуликка камарбасталар аъмол дафтарида хуш битиклар пайдо бўлаверади, дейдилар.

Шу боис Шарқ йилномаларини битган муаррихлар келгуси авлодлардан дуо илинжида бўлгани ҳам маълум. Ўша ҳодисотлар баёни башарият хотирасидан буткул унутилиб кетмаслиги учун ҳам махсус фармон асосида ёзилган ва кўз қорачиғи каби асраб-ардоқланган. Зотан, бу йилномалар — миллатнинг дуру жавоҳирларга бергисиз бойлиги. Алҳол, эслаб туришда ҳикмат кўп. Эсланган марҳумнинг руҳи шод бўлади, деган гаплар наслдан-наслга ўтаётгани бежиз эмасдир.

Биз икки асрни кўрган авлодмиз. Наинки икки аср воқелиги, балки минг йиллик алмашинувига гувоҳ ҳам бўлдик. Шу нуқтаи назардан қаралганда, тарихга берган баҳомиз келгуси насллар







учун асқотади. Дарҳақиқат, бу улуғ воқеликлар ичида яшамоқдамиз. Бизнинг Истиқлолимиз эса шу воқеликларнинг гултожидир.

Жуда кўп фидойи инсонлар бу саодатли кунларга етиб кела олмади, баъзилари муборак Истиқлолнинг дастлабки йилларини кўришди. Уларнинг мустақиллик йўлидаги фаол ҳаракатлари, интилишлари мудом ёдимиздадир. Улуғ байрам арафасида ана шундай аждодларимиздан бир гуруҳи Президентимиз Фармонига биноан "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланганида ҳам рамзий маъно бор. Гарчанд улар жисман орамизда йўқ бўлсалар-да, руҳан биз билан биргадир, илмий-ижодий мерослари шогирдлари, издошлари фаолиятида давом этаётир. Биз мукофотланган марҳум устозларимиз қаторида академик Иброҳим Мўминов номини чуқур мамнуният ила тилга оламиз. Негаки, бу файласуф олим истибдод қиличи қайралган замонларда Соҳибқирон Амир Темур ҳақида тўғри сўз айтишга ўзида жасорат топа билди. Ана шунинг учун ҳам маломат ўқларига нишон бўлди. Жабру ситам тортди. Файласуф олимнинг Мирзо Бедилнинг сўфиёна қарашларига оид тадқиқотлари, "Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан" асари ва ўнлаб рисолалари уни XX аср ўзбек фалсафа фани отаси дейишимизга асос бўла олади.

Яна академиклардан Восит Воҳидов, Маҳмуд Мирзаев, Рихард Шредернинг шундай улуғ сийловга лойиқ кўрилгани барча элдошларимизга манзур келган бўлиши керак. Негаки, бу олимлар бутун умрини эл-юрт саодати йўлига бахшида этишган.

Восит Воҳидов номини нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки жаҳон тиббиёти доираларида яхши танишади. У Тошкент Тиббиёт институти умумий жарроҳлик кафедраси мудири ҳамда Тошкент Жарроҳлик илмий маркази директори сифатида беморларни оғир дардлардан халос этиб, умрига умр қўшган. У Ўзбекистонда биринчи бўлиб юрак, ўпка, қон томирлари ва қизилўнгачда жарроҳлик амалиёти ўтказган. Ана шу хизматлари эвазига Жаҳон жарроҳлар уюшмасининг ҳақиқий аъзолигига сайланган. "Ўзбекистон тиббиёт журнали" бош муҳаррири сифатида соғлом турмуш тарзини тарғиб этгани ҳам таҳсинга сазовордир.

Ҳазрат Навоий демишки:

**Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,**
**Онча борким Каъба вайрон бўлса обод айлагай.**

Восит Воҳидов ҳаётдан умидини узаётган қанчадан-қанча беморлар кўнглини "обод айлагани"ни ҳисоблаб чиқсак, унинг нажоткор мақомидаги сиймоси кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Нафақат тиббиёт, балки санъат ҳам инсон умрининг узайишига восита бўлади. Инчунун, буюк актёрларимиз Сойиб Хўжаев, Раҳим Пирмуҳамедовни эсларканмиз, беихтиёр лабимизда табассум жилва қилади. Хусусан, Сойиб Хўжаевнинг афандинамо ҳаракатлари "Тошболта ошиғ"ини ва ҳамда "Насриддин Бухорода", "Стадионда учрашамиз", филмларидаги ролларини хотирга келтирсак, уни асримизнинг Афандиси дейишга асос топамиз. Касбдошларининг айтишига қараганда, рол бажараётиб бу буюк актёр беихтиёр ўзидан сўз қўшиб ҳам юбораверар экан. Ана шу жиҳатлари билан ҳам С.Хўжаев такрорланмас истеъдод эгаси бўлиб қолди.

Эслайсизми, ўша кинони: хотини дейдики: Сиз ҳам ота бўлиб ўғлингизга насиҳат қилсангиз-чи, ахир?

Ота даставвал Юсуфбек ҳожи оҳангида гап бошлайди:

— Ўғлим...

Сўнг эса аслига қайтиб тезлашади:

— ...овқатингни ичмайсанми?

Бу каби нодир кадрлар нафақат ўзбек киноси олтин ганжинасидан, балки авлодлар хотирасидан ҳам муҳим жой олган.

"Мен учун ролнинг катта-кичиги бўлмайди", деган экан ўша актёр — эллик йил ичида элликка яқин рол ижро қилган Раҳим Пирмуҳамедов.

Мукофотланган санъаткорлар рўйхатида Раззоқ Ҳамроевнинг ҳам номи бор. Р.Ҳамроев Наманганда театр ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлиб санъат оламига ташриф буюрган. 1946 йилда эса Муқимий номидаги театрга ишга келади. Қарийб ўн етти йил мобайнида бош режиссёр вазифасида фаолият кўрсатади. У бағрикенг, саховатпеша ўзбек кишиси феъл-атвори қирраларини оча билди. Айниқса, "Ўткан кунлар" фильмида яратган Мирзакарим қутидор образи то ҳануз ёдимизни тарк этмаган. Алишер Навоий тимсолини қиёмига етказиб ўйнаганида унинг маънавий дунёси қўл келган, албатта. Раззоқ Ҳамроев профессор сифатида Санъат институтида ўттиз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида фаолият кўрсатган. Айни замонда довруғ қозонаётган актёрларнинг аксарияти унинг шогирди саналади.

Ана шундай шогирди кўп адиблардан икки нафари — Асқад Мухтор ва Шуҳрат юксак мукофотга лойиқ кўрилгани айни муддао бўлди. Негаки, XX аср ўзбек адабиётини бу икки сиймосиз тасаввур қилиш мушкул. Хусусан, А.Мухтор ўзбек шеъриятига янгича йўналиш олиб кирган шоир сифатида тарихдан жой олган. Ўнлаб назмий, насрий асарлари бир томону "Гулистон" журналига муҳаррирлиги бир томон. Асқад Мухтор бу журнал таҳририятини бошқарган чоғида кўплаб ёш ижодкорларга раҳнамолик қилди. Уларга ижод сир-асроридан сабоқ берди. Ана шу боис адабий давраларда номи кўп эсланади.

Шуҳрат ўзбек насри ривожига ҳисса қўшган адиб сифатида қадрли. У ўз романларида ватанпарварлик хусусиятларига урғу берди. Ватанни севиш фазилатларини улуғлади. Худди шу жиҳатдан адиб Қодирий, Чўлпон билан ўтган асрнинг етмишинчи йиллари авлоди ўртасида "кўприк" вазифасини ҳам адо этгани маълум. Ҳа, унинг насрдаги йўли ўзгача эди. Алҳол, шеъриятидаги самимий руҳ кейинги авлод вакиллари ижодига катта таъсир ўтказган. Усмон Азим каби замонамизнинг улкан шоирларига "оқ фотиҳа" берган устоз ҳам Шуҳрат домла бўлади.

Ўзбек профессионал мусиқаси асосчиларидан бири, атоқли бастакор Толибжон Содиқов миллий мусиқамиз ривожига улкан ҳисса қўшган эди. У "Лайли ва Мажнун", "Гулсара", "Зайнаб ва Омон" операларини Р.Глиэр билан ҳамкорликда ўзбек куйлари асосида яратган. Шу тариқа ўзбек опера санъатини юксак поғоналарга кўтарган.

Унинг "Баҳор", "Булбул" (Миртемир сўзи) "Сарви гул", "Жонон кўринур" (А.Навоий ғазаллари) романслари мусиқа хазинасидаги ёрқин дурдоналардирки, шу боис машҳур хонандалар тарафидан ижро этиб келинмоқда. Т.Содиқов ўзбек мумтоз мақомларини ва халқ қўшиқларини йиғишда фаол иштирок этган. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ташкилотчиларидан бири, 1934 -1948 йилларда ташкилий қўмита ва уюшманинг биринчи раиси эди.

Яхшидан боғ қолади, деганлари рост. Бунинг ўз ва рамзий маънолари мавжуд. Юқорида "Буюк хизматлари учун" орденига муносиб кўрилганлар сафида фан ва маданият соҳасида "боғ" яратганларни ҳам таъкидлаб эсладик. Номи тилларда достон бўлган академик Рихард Шредер диёримизда боғ яратган олимлардан машҳури саналади.

Асли Москвада туғилган бу инсон йигирманчи аср бошида Олмония, Швейцария мамлакатларида ишлаб, 1903 йилда тақдир тақозоси боис Тошкент яқинидаги Туркистон қишлоқ хўжалик тажриба станцияси (ҳозирги Р.Р.Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти) раҳбари бўлди. Иқтидорли олим мевали ўсимликлар мажмуасини ташкил этиб, олма, нок ва бошқа неъматларнинг икки юздан ортиқ навини ўрганиб чиқди. Унинг бевосита интилишлари натижасида мамлакатимизнинг турли гўшаларида ўнлаб, юзлаб боғу роғлар яшнаб турибди. Р.Шредер яратган мева навлари шуҳрати асрдан-асрга ўтгани ҳам бежиз эмас.

Академик Маҳмуд Мирзаев Шредер издоши эди. У Р.Р.Шредер номидаги илмий-тадқиқот институти директори лавозимида ишлаган. Тоғлик туманларда боғдорчиликни ривожлантиришга оид юздан зиёд асарлар ёзган.

Мазкур мақоламизда юксак мукофотга сазовор бўлган ўн нафар марҳум инсонлар номини яна бир карра эсладик. Улар турли жабҳаларда хизмат қилишди, турли соҳалар бошини тутишди. Лекин мақсадлари битта эди: Ўзбек диёри шуҳратига шуҳрат қўшиш, шу элу юрт эртанги кунини бундан-да ёруғроқ кўриш. Шу фидойи инсонлар исми-шарифини тилга оларканмиз, деймизки, охиратларини Оллоҳ обод этган бўлсин!

**Мурод ХИДИР,**
**Гулчеҳра УМАРОВА,**
**Баҳром РЎЗМЕТОВ**

# КИЧИК ВАТАННИНГ КАТТА ҚУВОНЧЛАРИ

Маҳалла бизнинг кичик ватанимиз. Ўзбек хонадонини маҳалласиз, қўни-қўшничиликсиз тасаввур қилолмаймиз. Бу фақат ўзбекларнинг ўзигагина хос. Дунёнинг бошқа жойида бундай турмуш тарзини учратмаймиз. Азалдан ҳар бир хонадондаги қувончу ташвишлар маҳалла билан баҳам кўрилади, муаммолар ҳам маҳалла кенгашлари ёрдамида ҳал этилади. Яхши-ёмон кунларда маҳалладошларнинг кўмагига таянамиз. Шу боис бўлса керак, кейинги пайтларда маҳаллага эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Оқибатда, маҳаллаларимиз янада ободонлашиб, кўркамлашиб бормоқда.

Шундай маҳаллалардан бири Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманига қарашли "Ўриқзор" маҳалласидир. Маҳалла ҳудудида 1500 ўринли мактаб, 500 ўринли болалар боғчаси ҳамда оилавий тиббиёт шаҳобчаси бўлиб, улар доимо аҳоли хизматида. Бундан ташқари, маҳаллада Агротижорат касб-ҳунар коллежи ҳам жойлашган. Кўплаб ёшларимиз ушбу билим даргоҳида турли касб йўналишлари бўйича таҳсил олишади.

Қисқаси "Ўриқзор" маҳалласи замонавий, шинам бинолари, савдо ва ўқув марказлари, тоза-озода кўчалари билан савлат тўкиб турибди.

Маҳалла аҳли ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Омина Каримова, Ўзбекистон Телевидениесининг сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбековлар номларини фахр билан тилга олишади. Ана шу жонкуяр инсонлар ва маҳалла оқсоқоли Раҳимжон Нодировнинг саъй-ҳаракатлари билан маҳаллада кўплаб тадбирлар ўтказилди.

Яқинда шундай тадбирлардан бири бўлди. Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти маркази, Республика "Оила" илмий амалий маркази, Акмал Икромов туман Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Ўриқзор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорликда мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб "Оила маънавияти — келажак пойдевори" мавзуида бадиий-мусиқий анжуман ўтказди.

Тадбирда Халқ ижодиёти маркази раҳбари ўринбосари Ўткир Тоҳиров, "Оила" маркази директори Васила Каримова ва бир неча маҳалла фаоллари оила, маънавият, ҳуқуқ ва маҳалла фаровонлиги мавзуларида сўзладилар.

"Обод маҳалла йили" муносабати билан "Ўриқзор" маҳалласида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маҳалла оқсоқоли Раҳимжон Нодиров шундай деди: "Бизнинг мақсадимиз фақат ободонлаштириш ишлари билан чекланмай, аҳолининг сиёсий онгини ошириш, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга ёрдам беришдир. Биз ҳар бир оила, мактаб ва коллеж билан ҳамкорлик қиляпмиз. Кишилар маънавиятини санъат орқали, ижодкорлар ёрдамида юксалтириш тарафдоримиз."

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Ҳожиакбар Ҳамидов, Хоразм вилояти бадиий ҳаваскорлик ансамбллари, фарғоналик аскиячилар Жўрахон, Ҳотамбой, Мамасиддиқ қизиқлар ўз қўшиқ ва ҳангомалари билан тадбирга файз киритдилар.

**Ҳулкар МАМИТОВА**

АКС-САДО

# МУАММОГА ЯПОНЧА НАЗАР

**Боши биринчи бетда.**

Япония ва Ўзбекистонни минглаб чақирим масофа ажратиб турган эса-да, икки мамлакат ва икки миллатни кўзга кўринмас бир маънавий ип туташтириб тургандай туюлади. Икки халқ менталитетида теран бир ўхшашлик бордек. Акира Кумано: "Ҳа, японлар мантиқ эмас, балки туйғу ва эҳтирослар билан яшайдиган миллат", — деб ёзар экан, бундай хислат бизга ҳам хос экани, ўзбек ҳам мантиқни, совуқ-қуруқ мантиқни у қадар назар-писанд қилмаслиги, ҳис-туйғу ва эҳтиросга бой шоиртабиат халқ эканимизга амин бўламиз.

Мантиққа нописандлик мистик тафаккур ва эзотерик таълимотларнинг қон-қонига сингиб кетган. Японлардаги дзэн-буддизм ва биздаги тасаввуф бу соҳада якдил. "Мистицизм ўз табиатига кўра мантиқий таҳлилни рад этади, мантиқийлик эса ғарбона ақл-идрокнинг бош белгисидир", деб ёзади ушбу таълимот билимдонларидан бири Д.Судзуки "Дзен-буддизм асослари" китобида. Шоён ҳақиқатни, сўфийлик гносеологиясида ҳам мантиқ илоҳий ҳақиқатни (пировардда Ҳақни) англашда энг қуйи босқич ҳисобланади, холос.

Жаҳоний динлардан бири бўлмиш буддизм Японияга бизнинг ҳудуд, ҳозирги Сурхондарё орқали ўтганлиги қатор қадимшунослик қазишмалари натижасида ўз исботини топмоқда. Жанубий ҳудудларимизда бир пайтлар ҳукм сурган Кушон давлатининг таянч дини буддизм бўлгани фан аҳлига маълум. Ушбу далиллар жиддий илмий муқоясалар қилишга ҳамда туби теран хулосалар чиқаришга имкон яратади. Бинобарин, халқнинг теран онги, қолаверса, Ватанимиз замини маданий тупроқ қатлами ўз бағрида кечган бирор муҳим ҳодисани ҳеч қачон унутмайди. Шу боис ҳам япон ва ўзбек мумтоз адабиёти намуналарида типологик, зарур бўлса генетик ришталарни излаш ва аниқлаш илмий мантиқ ва илмий интуицияга зид эмас.

Япон заминида ўзлашиб, чуқур илдиз отган буддизм дзэн-буддизм тарзида японларнинг маиший, диний ва бадиий-эстетик тафаккурига сингди ҳамда ушбу халқнинг узвий қадриятига айланди. Дзэн-буддизм ақида ва тамойиллари билан танишган одам унинг бизнинг тасаввуфга яқинлигидан лол қолади. Бунинг икки қондош ҳодиса эканига ишонади. Шунда уни Ҳазрат Алишер Навоийнинг тасаввуф қомуси ҳисобланмиш "Лисонут-тайр" достонида дзен-буддизмга яқин, ҳатто хос ғоялар мавжудлиги ва кўплиги у қадар ҳайрон қолдирмайди.

Масалани шундай синоатда ўрганиш даҳо шоиримиз ижодини янада чуқурроқ — Навоийни Навоий теранлигида англашга имкон туғдирса ажабмас.

Бевосита мақола мавзусига қайтсак. Япония олис тарихан Россия билан қўшни эмас. Рус ерларининг Шарққа томон кенгайиши натижасидагина улар қўшнига айланишган, бу нарса фақат XVII асрга келиб якунланган, холос. Бундай қўшничилик японлар учун доим ҳам ёқимли бўлмаган. Дарҳақиқат, Акира Кумано ёзганидек, "Россияликларда эса ҳамон қамал қилиш туйғуси кучлидир... Япония ва Россия маданият соҳасида кўп нарсани ўзаро баҳам кўришларига қарамай, улар сиёсий қарашлар бобида мухолифлардир". Бу — мардона айтилган гап, аниқ баҳо.

Акира Кумано рус ва Россия маданиятининг маънавий салоҳиятини тан олган ҳолда, аксар рус зиёлилари тафаккуридаги ожиз нуқта, "Ахиллис товони"ни аниқ белгилайди: "Аммо ҳамон Россия зиёлилари ўзининг эски маслагига барҳам бермаса, ўз тарихи ва бошқа мамлакатларга кўзини очиб қарамаса, фақат ўзи ҳақида ўйлашдан тўхтамаса, унда зиёлилар ва кенг омма орасидаги узилишни бартараф қилиб бўлмайди".

Бу — муаммога японча назарнинг ёрқин бир кўринишидир.

Мақолада ҳозирги дунёда кечаётган маданий танглик ҳақида ҳам мулоҳаза бор. Муаллиф ёзганидек: "Бутун дунёда кечадиган маданий танглик ҳақидаги мунозарага гоҳида Ғарбга муносабатларнинг йиғиндиси сабаб бўлади". Ушбу ўринда А.Кумано тамоман ҳақ. Бу улкан муаммони кичик ўзанга тиқишдан бошқа нарса эмас. Масала ғоят катта ва жиддий. Дунёда маданий танглик рўй бермоқда, бунинг дастлабки аломати — содир бўлаётган сиёсий, ижтимоий воқеаларга ҳеч ким ёки ташкилот томонидан маънавий-ахлоқий баҳо берилмаётир. Бу нохуш жараён учун ҳам Шарқ, ҳам Ғарб мамлакатларидаги афкор омма, хусусан зиёлилар бирдай масъул. Лекин ҳозир жаҳондаги воқеалар тизгини Ғарб (айниқса, СССР ва социалистик лагер емирилгандан сўнг) қўлида экан, тизгинни қўлда тутиш фақат шараф эмас, улкан масъулият ҳам эканини унутмаслик лозим.

Сўзим якунида Акира Кумано мақоласидан яна бир кўчирма олишдан ўзимни тия олмадим. Мана у: "Фақат европаликлар фанни юксалтира олганлар, деган даъво кибру ҳаводан ўзга нарса эмас. Аслида улар ўз тарихи ҳақида билимининг йўқлигини намоён этдилар". Бундай фикр XX асрда кўз кўриб қулоқ эшитмаган фан-техника мўъжизасини кўрсатган япон миллати вакилига, япон олимига узукка кўз қўйгандек ярашади.

**Сувон МЕЛИ,**
**ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими**

ҚУТЛАЙМИЗ!

# БЕҲАЛОВАТ УМР

Таниқли тарихчи олим Ҳамид Зиёев 1923 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Отаси Мулла Зиё Аҳмад ўғли мадраса таҳсилини олган билимдон киши эди. Ҳамид ака Тошкент Педагогика институтини битириб, 1946 йилдан бошлаб Тарих институтида фаолият кўрсатди. 1953 йили Москвадаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтида "Шарқий Туркистонда 1826 йилги қўзғолон" мавзуида номзодлик дессертациясини ёқлади. "Ўрта Осиё ва Сибир" китоби учун эса тарих фанлари доктори унвонига сазовор бўлди. 1964-96 йилларда "XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бўлимига" бошчилик қилди. Айни пайтда 1965-85 йилларда Тарих институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ишлади. Олим иккинчи жаҳон урушининг қатнашчиси ва ногирони. Ҳозирда Тарих институтининг етакчи илмий ходими бўлиб хизмат қилмоқда.

Ноёб ва хилма-хил архив манбаларини қидириб топиш ва илмий муомалага киритишда серғайрат олимнинг хизматлари беқиёс каттадир. У собиқ шўро ва бугунги МДҲнинг 25 давлат архивидан ниҳоятда кўп маълумотларни қўлга киритди. Шунингдек, олим маҳаллий манбалардан ҳам кенг фойдаланди. Илм соҳасида бундай кенг кўламли ва бой маълумотлардан фойдаланиш ва таҳрир қилиш камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Ҳамид аканинг фаолияти ғоят кўп қиррали бўлиб, хилма-хил илмий йўналишлардан ташкил топган. У қадимги ва Ўрта аср тарихига доир илмий ишларнинг ҳам муаллифидир. Олим ўзининг "Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар" асарида ўзбек халқининг милоддан аввалги асрларда ажнабий босқинчилар билан бўлган жангларини ёритди. Унда халифаликнинг ва мўғулларнинг тажовузкорликлари ва ҳукмронлигига қарши олиб борган озодлик ҳаракатлари ҳам ўз ифодасини топган.

Тарихчининг Амир Темур фаолиятига бағишлаган ишлари ҳам катта кўламга эга. Маҳаллий манбалар асосида ёзилган бу асарларда Соҳибқирон буюк давлат арбоби, моҳир лашкарбоши ва тараққийпарвар шахс сифатида гавдалантирилган. Темурийлар давлатининг инқирозга учраши ва шайбонийхонлар томонидан босиб олинишига доир масалалар ўрганилган. Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганар экан, тўғри хулосага келинади. Тошкентда сақланаётган Қуръони каримнинг қаерда ва қай тарзда қўлга киритилганига доир янги маълумотлар таҳлил қилиниб, жумбоқ бўлиб келаётган масала ниҳоясига етказилди. Олимнинг Нақшбанд таълимотининг Сибирга тарқалишига тегишли асари ҳам зўр қизиқиш билан ўқилади. Умуман айтганда, у Ўрта аср тарихини акс эттирувчи ишлари — "Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси" (2000), "Тарихнинг очилмаган саҳифалари" (2003) ва бошқа асарларида жой олган.

Ҳамид ака Марказий Осиёнинг қадимги ва Ўрта асрларда Сибир, Волга ва Ўрол бўйлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини ўрганишга муносиб ҳисса қўшди. Олимнинг кўрсатишича, ўша жойларда Хоразм-Хазар империясининг ташкил топган даврлари кечган. Шу тариқа ўзбеклар яшайдиган маъволар юзага келиб, ислом динини ва маданиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутган.

Сибир, Волга ва Ўрол бўйлари Чор Россияси томонидан босиб олингандан кейин ҳам Марказий Осиё билан алоқаси давом этган. Тадқиқотчи мана шу XVI-XIX асрларда кечган ўзаро алоқалар тарихини ўрганиб, "Ўрта Осиё ва Сибир" (1963), "Ўрта Осиё ва Волга бўйлари" (1965), "Узбеки в Сибири" (1967), "Ўрта Осиё ва Ўрол бўйлари" (1973) ва "Экономические связи Средней Азии с Сибирью"(1985) сингари асарларини чоп эттирди.



Олимнинг 2003 йилда чоп этилган "Сибир, Волга ва Ўрол бўйларидаги ўзбеклар" китоби кўп жиҳатдан қизиқарлидир. Ўша ҳудудлардаги ўзбекларнинг Туркистон заминидан бориб ўрнашганлиги нафақат оддий кишиларга, балки тарихчиларнинг ўзларига ҳам маълум эмас эди. Шу боис бу илмий ишлар "Тарих фанидаги кашфиёт" деб баҳоланган эди. Ўша асарда ўзбекларнинг Сибир, Волга ва Ўрол бўйларига ўрнашишларининг сабаблари ҳамда турмуш тарзи батафсил ёритилган.

Олим Туркистон ўлкасининг Чор Россияси томонидан босиб олинишини чуқур ва атрофлича ўрганиб, "Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш" (1998) номли йирик асарини яратди. Унда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг инқирозга учраб, ҳарбий кучлари заифлашиши ва тахт учун курашлар Чор ҳукуматига жуда қўл келганлиги ҳам уқтирилган.

Асарда ўзбек ва бошқа туб аҳоли вакилларининг Ватан мустақиллигини сақлаш учун қаҳрамонона жанг қилгани ва ўн минглаб ватандошларининг қони тўкилгани ва, шунингдек, халқ озодлик курашининг барча босқичлари атрофлича иншо этилган. Босқинчилар ғалабаси ва ватан ҳимоячиларининг мағлубияти сабаблари кўрсатиб берилган. Бухоро ва Хива хонликларини Россия протекторатига айлантириш, Туркистон генерал-губернаторлигининг тузилиши ва бошқа масалалар ҳам қамраб олинган.

Тадқиқотчиларнинг "Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги учун кураш" (1999) китоби Чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатининг йирик омилларидан бирини асослаб беришда муҳим ўрин тутади. Унда деҳқонларнинг оғир ҳаёти ва қашшоқланиши ўз аксини топган. Айтиш мумкинки, олим мустамлакачилик даврида кўтарилган миллий-озодлик курашлар тарихини астойдил ёритишдан куч-қудратини аямади. Бу масалага бағишланган рисола ва мақолаларни бостирди. Илмий анжуманлар уюштириб, маърузалар ўқиди. Уларни сохталаштиришга қарши қаттиқ курашди. "Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар" асарининг талай қисми Фарғона водийсида 80-90 йилларда кечган курашларга, 1892 ва 1898 йиллардаги озодлик қўзғолонларига бағишланган. 1916 йилги қўзғолонларга, Туркистон мухторияти ва "босмачилик" ҳаракатига кенг ўрин берилди. Жадидларнинг фаолияти ҳам четлаб ўтилмаган.

Ҳамид ака Ўзбекистон мустақиллиги ва тараққиётига бағишланган қатор асарларини эълон қилди. Унинг "Истиқлол — маънавият негизи" (1999) ва "Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар" китобларида Президент Ислом Каримов бошчилигида 1991 йил 31 августда мустақилликнинг қўлга киритилишига доир масалалар кўриб чиқилган. Маълумки, 31 август воқеаси "бир томчи қонсиз" осонлик билан амалга оширилди, деган нотўғри фикрлар мавжуд. Аслида шахсан Юртбошимиз ички ва ташқи сиёсатни билимдонлик билан юритиб, қаттиқ курашлар воситасида мақсадга эришди. Мана шу курашлар туфайли хавф-хатар ва қонли тўқнашувларнинг олди олинди. Муаллиф тўғри кўрсатишича, вазият шу даражада мураккаб ва хатарли эдики, ҳокимият бамисоли шернинг оғзидан тортиб олиниб, мустақилликка эришилди, дейиш мумкин. Мустақиллик ва тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари ва тарихий аҳамияти билимдонлик билан битилганлигини қайд қилиш лозим.

Мустақиллик ва озодликнинг қадр-қимматини "социализм" тузумининг фожиали оқибатларига таққосламасликнинг иложи йўқ, албатта. Коммунистик партиянинг ашаддий мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик сиёсатини фош этиш шу куннинг талабидир. Шу боис олим ўша мудҳиш даврдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузумнинг моҳиятини синчковлик билан ўрганиб, қулдорлик тузуми ҳукм сурганлигини тўла исботлади.

Ҳамид ака моҳир устоз ва мураббий сифатида ҳам танилди. Республикамиз олий ўқув юртларида қадимги Юнонистон ва Рим, Шарқ мамлакатлари ва Марказий Осиё тарихи бўйича маърузалар ўқиди.

У юқори малакали илмий ходимларни етиштиришга ҳам алоҳида аҳамият берди. Зеро, 40 дан ортиқ фан номзодлиги ва докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилди. Эндиликда унинг шогирдлари Тошкент, Фарғона, Наманган, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қарши, Хоразм, Москва, Қозон, Алмати, Бишкек ва бошқа жойларда ишламоқдалар.

Олим кўп диссертацияларга расмий оппонентлик қилди. Юздан ортиқ диссертация ишларига тақриз ёзди.

Сарҳисоб қилиб айтганимизда, Ҳамид Зиёев собиқ совет даврида 14 китоб ва 172 мақола, мустақиллик йилларида эса 12 китоб ва 190 дан зиёд мақола чоп эттирди. У 500 номдаги китоб, рисола, мақола ва тақризларнинг муаллифидир.




Бундан кўриниб турибдики, Ҳамид аканинг серқирра фаолияти айниқса мустақиллик йилларида самарали кечди. У ўтмишда тарих фани соҳасида йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликларни бартараф қилиб, тарихни холис ва атрофлича ўрганиш борасида тиним билмай изланмоқда.

Забардаст олим, устоз ва мураббий Ҳамид Зиёевга ўз умрининг қутлуғ 80 баҳорини қаршилаётган кунларида биз мустаҳкам сиҳатлик ва бардамлик тилаб қоламиз.

**Дилором АЛИМОВА,**
**ЎзРФА Тарих институти директори, тарих фанлари доктори, профессор**

**Одамзот ҳаётининг доимий ҳамроҳи бўлган ва унинг маънавий дунёсини тўлдириб, доимо эзгулик ва покликка чорлаган илоҳий қудрат — мусиқа санъати, ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий таъбири билан айтганда, кўнгил қуввати, руҳ саодатидир.**

**Ислом КАРИМОВ**

# КЎНГИЛ ҚУВВАТИ, РУҲ САОДАТИ



Қадим ва навқирон, ер юзининг гавҳари бўлган Самарқанднинг юраги — Регистон майдони. 30 август, соат 18.30 "Шарқ тароналари" IV халқаро мусиқа фестивалининг ёпилиш маросими бошланишига ярим соат вақт қолган. Саҳнада ҳозиргина тузилган халқаро ансамбл репетицияни давом эттирмоқда. Озор хонандасининг дардли хониши Регистон узра майин таралаётир. Ўзбек, япон, ҳинд ва булғор миллий либосидаги раққосалар хиромон юриб, гўзал қоматларини намойиш қилганча бир маромда давра айланадилар. Фестивалнинг бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев япон найчисига, ҳинд раққосасига нималарнидир англатмоқчи бўлиб, имо-ишоралар қилади. Унинг ҳамиша ташвишли чеҳрасида бу гал ним табассум жилоланади, шу ернинг ўзидаёқ ҳинд ва бангладеш барабани мақомига ўзбек ва япон раққосалари ижросидаги рақс шаклланади.

Бурчакда эса келинчаклар либосидаги ўн беш нафар сулув қиз меҳмонларга Самарқанд келинчаклари саломини йўллаётир.

Бутун майдон самарқандлик рассомларнинг шарқ ҳаёти ва турмушидан ишланган чиройли картиналари, ҳунармандларнинг миниатюра ҳайкалчалари, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик ва наққошлик намуналари билан безатилган.

Шердор мадрасаси ёнида сўри, сўри ёнида бир жуфт росмана тандир. Оқ кўйлак-яктакли, Самарқанд дўппили йигитлар. Шу ернинг ўзида нон ясаб тандирга ёпмоқдалар. Кичик пештахталарда Шарқ ширинликлари, қандолат, новвот, парварда... Каштали, гулли, ёзувли Самарқанд нонлари. Улардан нарироқда Шарқ чолғу асбоблари ярмаркаси.

Томошабинлар ҳамон тўрт тарафдан оқиб келмоқда. Барчанинг юзида қувончли табассум, дилида ҳаяжон. Бошловчилар виқорли қадамлар билан саҳнага чиқиб келадилар. Саҳнага ҳакамлар ҳайъати, ЮНЕСКО Бош анжумани президенти Аҳмад Жалолий, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Майкл Барри Лейн жаноблари, фестивал ташкилий қўмитаси раиси Ҳамидулла Кароматов, вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев, Самарқанд шаҳар ҳокими Музаффар Ҳошимовлар таклиф қилинадилар.

"Шарқ тароналари" IV халқаро мусиқа фестивали ҳакамлар ҳайъатининг раиси Ким Шин Ван сўзини шундай бошлайди.

— Ассалому алайкум!

Аввало, қадим ва гўзал Самарқанд шаҳрида ҳайъат раиси сифатида қатнашиш мен учун катта бахт эканини таъкидламоқчиман. Жаҳондаги турли халқларни биродарлаштиришга хизмат қилаётган ушбу фестивал Ўзбекистон ҳукуматининг ҳиммати боис амалга ошаётир. Ўзбекистон ҳукуматига, фестивалнинг барча қатнашчиларига ўз миннатдорлигимни изҳор қиламан...



Ким Шин Ван жанобларининг қисқа ва сермазмун нутқи якунидаги "Оллоҳ менинг Ўзбекистонимни ўз паноҳида асрасин!" — сўзлари гулдурос олқишларга сабаб бўлди.

Фестивал боис бугун жаҳоннинг турли бурчакларида яшаётган одамлар ватанимизни "Менинг севимли Ўзбекистоним", дея, оғзидан бол томиб, тилга олмоқдалар. Австриядан ташриф буюрган Наримон Ҳужжатий: "Европада Самарқандни "Минг бир кеча" эртакларидаги каби шаҳар сифатида биладилар. Аммо унинг қаерда жойлашганини билмайдилар. Мана бу фестивал боис энди қанчадан-қанча европаликлар Самарқанд ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлдилар", дейди.

Фестивал натижалари бўйича ғолиблар қуйидаги тартибда эълон қилинди: олий мукофот — Гран При Россиядан ташриф буюрган Тува Республикасининг "Уран-Хай" гуруҳига, 2 та биринчи ўрин: ўзбекистонлик Дилнура Мирзақулова ҳамда эронлик хонанда Фозил Жамшидийга насиб этди. Иккинчи ўрин тожикистонлик Озода Ашурова ҳамда озарбойжонлик Забит Набизадага, 2 та учинчи ўрин Бангладеш ва Афғонистон жамоаларига топширилди. Шунингдек, анъанавий қўшиқларни замонавий усулда ижро этганликлари учун Ҳиндистон ижодий жамоасига, мусиқа орқали интерактив намойиш қилгани учун Исроил ижодий жамоасига, замонавий маданиятни авлодларга етказишдаги хизматлари учун Абдуҳошим Исмоиловга ЮНЕСКОнинг махсус совринлари топширилди. Вилоят ҳокимининг махсус соврини Олмония ижодий жамоасига насиб этди. Шаҳар ҳокимининг "Офарин" мукофоти эса: Хитой, Тайван, Миср, Швецария, Қирғизистон, Непал, Қорақалпоғистон, Корея, Италия, Грузия, Молдова, Украина, Қозоғистондан ташриф буюрган жамоалар санъаткорларига топширилди.

Совринлар топширилгач, Ташкилий қўмита раиси Ҳамидулла Кароматов сўзга чиқиб, "Сиз азизлар кўпни кўрган мадрасалар жойлашган Регистон майдонига меҳмон бўлиб келган эдингиз, — деди — Бугун бизга дўст сифатида уйингизга қайтмоқдасиз. Аҳмад Жалолий жаноблари беш кун олдин: "Бизнинг Самарқанд, бизнинг ўзбек халқи", дегандилар. Самарқанд сиз учун ҳақиқатан ҳам дўстона шаҳар бўлиб қолишига ишонаман. Ҳакамлар ҳайъати ижозат берса, бу фестивалда ҳаммани ғолиб деб айтган бўлур эдим. Чунки бу фестивалда дўстлик ғалаба қилди."

Табриклар тугаб, "Шарқ тароналари" IV халқаро мусиқа фестивали ёпилишига бағишланган концерт дастури бошланди. Дастлаб ҳиндистонлик санъаткорлар саҳнага чиқиб келдилар. Прошант Анил Ибодат қўшиғини ижро эта бошлайди.

Зардўзи халат, қубба қалпоқ кийган қизлар патнисда ширинликлар ва Самарқанднинг иссиқ нонларини томошагоҳ бўйлаб юриб тарқатадилар.

Навбат афғонистонлик санъаткорларга келади. Афғон ғижжагининг мунгли фиғони юракларни титратади.

Эронлик хонанда Дарвешхон Алишер Навоий бобомиз мисраларини моҳур мақом услубида хониш қилади. Эрон рубоби ёқимли куй таратади. Одамлар сеҳрлангандай қотиб тинглайдилар. Оппоқ катта гардишли эрон доираси тилга кирганда одамлар жўшиб олқишлай бошладилар.

Саҳнага қозоқи тумоқ, қирғиз қалпоқларга ўхшаб кетадиган бош кийимлар, Бухоро музейларида сақланаётган зар тўнларга ўхшайдаган яктаклар кийиб, белини каштали белбоғлар билан боғлаган тувалик санъаткорлар чиқиб келадилар. Уларнинг олдинги чиқишларидан баҳраманд томошабинлар гулдурос қарсаклар билан қарши оладилар. Россиядан ташриф буюрган "Уран-Хай" ансамбли "Энасой" қўшиғини ижро этади. Саҳна бироз қоронғилашиб, қўшиқчилар турли жонзотларнинг ўрмон тунидаги овозларини ифода этадилар. Бу овозлар умумий куй ўрнида ўкирган шамол садоси билан омухта бўлиб бўлакча бир кайфият ҳосил қилади. Сўнг булбул ва саъва хониши янграйди. Бутун Регистон майдонини "Эне сайим, сайим, сайим" деган қўшиқ садолари тутади. Одамлар оёққа қалқиб олқишлайдилар. Тувaликларнинг чиқишлари ўзбек халқ бахшиларининг ижросига ҳам ўхшаб кетади. Бизда яккахон тарзда ижро этилса, уларда ана шу бахшилар ансамблга уюшиб, жўр овозда куйларканлар. Бизнинг бахшилар ҳам анъанавий термаларни ана шундай замонавий шаклларда ривожлантирсалар бўларканку, деган фикр хаёлимдан ўтади. Бу йўналишда Маҳмуд Намозов тажрибаларидан бошқа ҳеч иш қилинмаган бизда. Маҳмуд Намозовда ҳам айрим штрихлардан фойдаланилган, холос. Тувaликлар эса боболар санъатига замонавий либос кийдириб довруғ таратмоқдалар. Халқаро фестивалда Гран При соҳиби бўлмоқдалар. Ҳавас қилса арзийди.



Халқаро мусиқа анжумани тугаб фестивал байроғи туширилади. Одамларнинг бир-бирларидан ажралгилари келмайди. Регистон майдони рақс тушаётган турли миллат ва элатга мансуб шодхандон одамларга тўлиб кетади.

Анжуман давоми Самарқанд ҳокимлиги ёзган тўкин дастурхон атрофида давом этади. Одамлар енгил-елпи тамаддиланиб саҳнага ошиқадилар. Шарқона кийиниб олган олмониялик, швецариялик, италиялик, украиналик йигит ва қизларни ҳақиқий шарқликлардан фарқлаб бўлмайди. Регистон ҳовлисидаги фаввора атрофи қўл ушлашиб доира ясаганча чин дилдан рақс тушаётган одамлар билан тўлиб тошган. Бу шодлик ва бирдамлик, ҳамдўстлик базми ярим тунга қадар давом этди.

Қўшиқлар орасидаги танаффусдан фойдаланиб японийлик раққоса, беғубор табассуми билан дилларга завқ-шавқ солувчи Ҳироко Икедони гапга соламан:

— Мен киотоликман, — дейди у. — Самарқанд ҳам Киотодек тарихий ҳамда яшил шаҳар, Самарқанднинг табиати, одамлари, таомлари, айниқса, палови менга жуда ҳам ёқди. Бироз ёғлироқ экан, холос. Самарқанд қизлари тўқиган каштани сотиб олдим, бизда Шимолий Японияда Шен қабиласи ҳам шундай кашталар тўқийди. Мен ўзим кимоно тикаман. Кимонога гуллар соламан ва саҳнада кияман. Мен ижро этаётган рақс — зонтик ва елпиғич билан ўйналадиган рақс саккиз юз йиллик тарихга эга. Ҳозир бу рақс Шимолий Японийдагина сақланиб қолган. Бу фестивал менга шу япон санъатини қирқдан зиёд халқлар орасида намойиш қилиш имконини берди. Ўзбекистон ҳукуматига, фестивал қатнашчиларига ўз миннатдорлигимни изҳор қиламан.

**Ориф ҲОЖИ**



СЎЗ — ФЕСТИВАЛ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

## Фозил ЖАМШИДИЙ, "Сабо" ансамбли бадиий раҳбари (Эрон):

— Биз шарқликларнинг куй-қўшиқларимизга бирдек хос бўлган муаттар шаббода — бу садодир. "Шарқ тароналари" деб аталмиш бу гулистонга бизнинг "Сабо" ансамблимиз ҳам ўз гулдастаси билан келди.

Дастуримизни Эрон мумтоз мусиқаси — етти мақом ва дастгоҳларидан бири бўлмиш "Мағоме Моҳур" йўли билан бошларканмиз, ўзбек халқининг буюк шоири Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг қуйидаги ирфоний ғазалини эронлик Дарвишхон мусиқаси билан ижро этдик:

**Май симирар фариштaлар**
**ичра гул,**
**Бегоналар қайдин билсин**
**бунинг нашъасин.**

**Фоний, ул ой юзликнинг висоли**
**бизга насиб эрмас,**
**Бенасибларга насиб этган**
**ул насибадан кўнгил шод.**

"Моҳур" йўлида тушиб, яна Мир Алишер Навоийнинг рубоийсини ижро этган ҳолда Мавлоно Жалолиддин Балхийнинг ушбу ғазалини оҳангга соламиз:

**Биз сенинг ишқинг кўйида**
**бало асиримиз,**
**Йўқ кимсаким, биз каби**
**ошиқу бечора бўлсин.**

Биз фестивал кунлари Эрон шимолидаги ям-яшил Мозандароннинг куй-қўшиқларини ҳам хониш қилдик. Эроннинг марказий, ғарбий ва шарқий минтақаларига хос тўрт куйни ижро этдик. Мозандароннинг маҳаллий тили, шевасию лаҳжасида шарқона қўшиқларни куйладик.

Эроннинг улуғвор фольклор мусиқаси — Эрон ғарбидаги минтақа ва Курдистон қўшиқлари оламига ҳам анжуман аҳлини ошно қилдик. Сўнгра "Исфаҳон" йўлида яна Мир Алишер Навоий ғазали билан баралла айтган ва айтаётган қўшиғимиз мисралари қуйидагича:

**Деди, йўлим супургил, —**
**ул кумуш бадан,**
**Дедим, жоним тасаддуқ.**
**Деди, давом эттил, энди**
**сувлар ҳам сепгил,**
**Дедим, жоним тасаддуқ**

Келинг, кўнгилни шод этгувчи қўшиқларнинг тотли болидан тўйгунча ичайлик ва буюк шоир Алишер Навоийнинг ирфоний шеърларидан баҳраманд бўлайлик.



# АГАР ЖАҲОН КУЙЛАСА

28 август куни Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида "Шарқ тароналари" IV халқаро мусиқа фестивали доирасида илмий-амалий анжуман бўлди. Таниқли мусиқашунос олимлар ва ижрочилар иштирокида ўтган анжуман "Шарқ қўшиқчилик санъати: ижод ва талқин муаммолари" мавзусига бағишланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Баҳром Қурбонов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Барри Лейн сўзга чиқиб, анжуман ғояси, ЮНЕСКОнинг маданият борасида олиб бораётган тадбирлари хусусида маълумот бердилар.

Илмий анжуманнинг иккинчи босқичида маданият хилма-хиллиги мавзусида давра суҳбати бўлди. Бу мавзунинг танланиши бежиз эмас. Маълумки, 2003 йил ЮНЕСКО томонидан "Маданий хилма-хиллик" йили деб эълон қилинган. Ўзбекистонда ўтаётган "Шарқ тароналари" ва "Бойсун баҳори" фестиваллари айнан шу шиор руҳига мосдир.

Илмий-амалий анжуманда мусиқашунослардан японийлик Тору Накамура, озарбойжонлик Рафин Эмрани, тожикистонлик Абдували Абдурашидов, тайванлик Тсай Тсюнг Те, ўзбекистонлик Т.Ғофурбеков, Ирода Ғаниева, Р.Абдуллаев маъруза қилдилар. Барча маърузалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ўқилди.

Шоир айтганидек:

**Тугаб кетар аламлар,**
**Мингга кирар одамлар,**
**Бўлмас эгри қадамлар —**
**Агар жаҳон куйласа!**

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали миллий қўшиқчилик санъатимизни, қолаверса, бутун жаҳон мусиқа санъатининг янада юқори поғоналарга кўтарилишида нақадар нуфузли анжуман эканлигини намоён этди. Самарқанд Давлат университетида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда миллий қўшиқчилик санъатимизнинг жаҳон миқёсига чиқишида, албатта, ўз самарасини беради.

Миллий консерваториямиз профессори Т.Ғафурбеков: "Сенсан севарим" ҳамда "Қоши ёсинму дейин" сингари мумтоз қўшиқлар телевидениеда янграётганда титрда "Ушбу мумтоз қўшиқ — давлат ҳимоясида" деб ёзиб қўйилса, қўшиқчиликка бўлган эътибор янада ортади, деса, ёш мусиқашунос Ирода Ғаниева: "Мусиқа, аввало, халқларни бирлаштиради. Қолаверса, мана шундай ажойиб анжуманлар туфайли ёшларнинг миллий қўшиқчилигу санъатимизга бўлган меҳру эътибори янада ошади", дея мусиқа санъатининг инсон камолотида тутган роли ҳақидаги қимматли фикрлари билан ўртоқлашдилар.

**Олқор ДАМИН**

СЎЗ — ФЕСТИВАЛ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

***"Шарқ тароналари" мусиқа фестивалини ёритган журналистлар орасида Туркиядаги "Йеничағ"(Янги давр) газетаси мухбири, ёзувчи Арслан Текин ҳам бор эди. У мамлакатимизда илгари ҳам кўп бор меҳмон бўлган, Туркия матбуотидаЎзбекистон ҳақида туркум мақолалар эълон қилган эди. Яқинда эса унинг "Ота юртга сафар" номли китоби Истанбулда чоп этилди. Арслан Текин фестивал ҳақидаги таассуротларини мухбиримиз билан ўртоқлашди:***

— Мен фестивалда илгари ҳам иштирок этганман. У йилдан-йилга оммалашиб, иштирокчилари кўпайиб, савияси юксалиб бораяпти. Ўзбекистон номининг дунёга ёйилиши, маданият бешиги бўлган Ўрта Осиё мусиқа санъатининг янада кенгроқ танитилишида анжуманнинг аҳамияти катта. Фестивалнинг Самарқанддек дунёга машҳур шаҳарда ўтказилишида ҳам катта маъно бор. Мен Туркиядан келган ягона мухбир бўлганлигим сабабли барча тадбирларда иштирок этдим, ташкилотчилар ва қатнашчилар билан суҳбатлашдим, матбуот конференцияларида ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб олдим. Таассуротларим бир дунё. Уларни газетамиз саҳифалари орқали ватандошларимга етказаман.

Ўзбекистон биз учун иккинчи ватан. Чунки илдизларимиз шу ердан. Шунинг учун уни "Ота юрт" деб улуғлаймиз. Ўзбекистоннинг турли соҳаларда эришаётган ютуқларини эшитиб, янги қурилган ва қурилаётган иншоотларни кўриб, беҳад қувондим. Бу бунёдкорлик ишларида ватандошларимнинг ҳам ҳиссаси борлиги менга ғурур бахш этади.

Анжуман жараёнида туғилган баъзи мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Фестивалда халқнинг асрлар мобайнида куйлаб келган оҳанглари ижро этиладими ёки бастакорларнинг халқ оҳанглари йўлида яратган асарларими? Қатнашчилар қандай таклиф этилади? Уларни ким танлайди? Бу хусусда менинг назаримда қатъий мезонлар белгиланиши лозим. Хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам янада такомиллаштириш зарур.

Мен буларни бир дўст сифатида айтаяпман. Аслида бой таассуротлар билан қайтмоқдаман. Бундай катта анжуманни ташкил этиш, неча-неча давлатдан келган санъаткорларга мезбонлик қилиш осон эмас. Ўзбекистон бу ишни аъло даражада бажарди. Бу ҳақда туркиялик газетхонларга кенгроқ ҳикоя қилиш ниятим бор.

Фестиваль мутасаддилари ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтгим келади. Маданият ишлари вазирлиги ва бошқа алоқадор ташкилотлар, Самарқанд вилоят ҳокимлиги фестивалнинг юксак савияда ўтиши учун барча кучни сафарбар этдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, мени анжуманга даъват этган "Жаҳон" ахборот агентлиги раҳбарияти ва жамоасига катта миннатдорлик билдираман.



# УМУМИНСОНИЙ ТУЙҒУЛАР ТАЛҚИНИ



"Шарқ тароналари"нинг бу йилги фестивалида санъатини намойиш этган барча қатнашчилар ижросида Шарқ мусиқасининг асл ижодий йўналишига қайтиш кўзга ташланди. Олдинги фестивалларда "Шарқ тароналари"нинг асл мақсади, шарт-шароитларини аксарият иштирокчилар тўлиқ ҳис этмаганлари сезилиб турарди. Мазкур анжуман эса Шарқ мусиқасининг нафақат қадимийлиги, бетакрорлиги, айни пайтда ниҳоятда дилга яқин, қалб уммонлари билан чамбарчас боғлиқ экани ҳамда таъсир кучини ҳам намоён этди.

Фестивал расмий танловининг якунлари шуни кўрсатдики, бундай тадбирлар талабларига ижодий ёндашган одам, албатта, ютади. Албатта, танлов шарт-шароитларини ҳисобга олиш керак. Лекин мактаб ўқувчисига ўхшаб ўтилганларни айнан такрорламай, ўзидан ҳам нимадир қўшиш, янгилик яратиш фақат наф келтиради.

Бу борада тувалик санъаткорларнинг ""Энасой" қўшиғи диққатга сазовор. Зеро, уларнинг олий ўринни эгаллаганлари ҳам бежиз эмас. Тувaликларда мен бошқалардан, айтайлик, бизнинг мумтоз мусиқамиздан фарқ қиладиган бир жиҳатни кўрдим. Яъни уларнинг ижросида табиат ва мусиқа уйғунлашиб кетган. Дарёнинг шарқираб оқиши, қушларнинг сайраши, дарахтларнинг шовуллаши ва ҳоказолар мусиқа воситасида тақлид тарзида эмас, балки бадиий яхлит асар сифатида тақдим этилади. Беш кишидан иборат гуруҳ худди ягона одамдек куйлайди. Уларнинг ижросидаги уйғунлик, етуклик, мукаммаллик кишини ҳайратга солади. Тувалик ижрочиларда бир томондан миллий ўзига хослик яққол кўриниб турса, иккинчи томондан умуминсоний ғоялар уйғунлиги сезилади.

Биринчи ўринни қўлга киритган ўзбекистонлик ёш ижрочи Дилнура Мирзақулова санъатда изланиш, янгиликка интилиш яхши натижа беришини яна бир бор исботлади. Мен унинг ижросида устоз ҳофиз Маъмуржон Узоқов ижодига хос жиҳатларни ҳис этдим. У ҳофизга хос овозни, ижро услубини айнан ўзлаштирмайди, балки ижодий ёндашади. Ижро асосан ички, маънавий эффектга қаратилган. Овоз тиниқ, ижро ўзига хос, бинобарин, Дилнурада уста ҳофизлар қаторидан ўрин олиш учун салоҳият ва имконият мавжуд.

Биринчи ўрин эгаларидан яна бири — эронлик санъаткорлар Алишер Навоий сўзларини ўз мақомлари — дастгоҳлари усулига солганлар. Бу номер мазкур анжуман учун махсус тайёрланган. Тўртта чолғу ва битта овоздан иборат бу гуруҳ ижросида босиқлик, уйғунлик кўзга ташланди. Гуруҳ иккита тор — йўғон ва баланд овозли торлардан шундай усталик билан фойдаланадики, майин, оҳиста услубдаги ижро инсонга аста-секин таъсир этиб бориб, уни буткул ўз оғушига тортиб кетади. Уларнинг доирани чалиши менга машҳур Уста Олим Комиловнинг доирадан фойдаланишини эслатди. Бизда доира ҳаддан ташқари қаттиқ қиздириб юборилади. Улар эса доирани бироз қиздириб, унинг овозини майинлик билан таратишди. Иккинчи ўринни олган озарбойжонлик созандалар ижросида шиддат биринчи ўринда туради, тожикистонлик хонанда Озоданинг ижроси ҳам яхши, ўзига хос. Озода изланиши, қўшиққа ижодий ёндашишга ўрганиши керак.

Учинчи ўрин соҳиблари — афғонистонлик ва бангладешлик санъаткорлар ўз миллий анъаналари доирасида мусиқаларини, ижро йўллари ва услубларини сақлаб қола олганларини тўғри кўрсатиб беролдилар. Умуман, бу фестивал иштирокчиларининг асл мақсади ўрин олиш эмас, балки ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка интилиш, маданиятлар яқинлигини, барча мусиқий йўналишларда уйғунлик мавжудлигини намойиш этиш экани анжуман давомида яққол кўзга ташланди. Европадан келган ижрочилар ҳам, масалан, немислар ўзбек, тожик, афғон қўшиқларини, швецариялик йигит сеторда ҳинд рагаларини чин дилдан, самимий ижро этдилар. Венгриялик санъаткорлар ижросида ҳам Шарқ маданиятига уйғунлик сезилди. Барча иштирокчилар дилдан интилиб, зўр қизиқиш ва табиий завқ-шавқ билан ўз дастурларини намойиш этдилар. Шунинг учун ҳам ҳеч бир қатнашчи ижроси беэътибор қолмади. Юртдошимиз, бастакор Абдуҳошим Исмоиловга ёш авлодни тарбиялашдаги хизматлари учун фестивал соврини берилиши барчани мамнун этди. Фестивал сўнгидаги халқаро гуруҳ ижро этган куйни бир эсланг. Нақадар ажойиб. Бир кунда тайёрланди бу номер.

Бир сўз билан айтганда, бу анжуман мусиқа жаҳон халқларини бирлаштирувчи восита эканини яна бир бор намойиш этди. Куй-қўшиқлар турли тилларда янграса ҳам, дилдан чиқариб ижро этилди. Демак, халқлар турли тилларда сўзлашсалар ҳам, диллари муштаракдир.

**Отаназар МАТЁҚУБОВ,**
**"Шарқ тароналари" IV халқаро мусиқа фестивали ҳакамлар ҳайъати аъзоси**

